

Лойиха ва қидирув ишларини бажариш учун
2022-1-сонли

Ш А Р Т Н О М А

Тошкент шаҳри

2022 йил 20 Январда

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи номидан вазир ўринбосари М.И.Рузметов бир томондан ва “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти, кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи номидан Бош директор Р.А.Тураев, иккинчи томондан ўз Низомлари асосида, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. Шартноманинг предмети, баҳоси ва тўлов шартлари.

1.1. Шартнома “Буюртмачи”нинг топшириғига биноан “Бажарувчи” томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди Ўзбекистон Республикаси туман (шаҳар)ларидаги ердан фойдаланувчиларининг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш учун тайёргарлик ишларини бажаришга

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 5 809 818 737 (беш миллиард саккиз юз тўққиз миллион саккиз юз ўн саккиз минг етти юз ўттиз етти) сўм бўлиб, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС): йўқ.

1.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзолангандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 15 фоизини олдиндан, қолган қисмини эса ишни бажариш далолатномаси ва белгиланган тартибда тугатилган ишларни қабул қилиб олиш (юк хати) ҳужжатларини расмийлаштириш мобайнида тўлов ишлари амалга оширилади.

1.4. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.5. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқа талаблар, лойихалаш топшириғи билан, ишнинг номи ва бажарилиш муддати (босқичлари) эса календарь режа билан аниқланади, шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. Тарафларнинг мажбуриятлари.

2.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмани амалдаги норматив-услубий ҳужжатларга мувофиқ календарь иш режасида назарда тутилган ҳажмда ишларни сифатли қилиб бажариш;

2.1.2. Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни бажариш ҳамда “Буюртмачи”га топшириш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Бажарувчи”га техник-топшириқ беради ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишиш;

2.2.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва унинг қийматини “Бажарувчи”га тўлаш.

III. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиблари.

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш лойихаси техник-топшириқномага мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойихалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича қабул қилиб олинади, сўнг ҳақ тўланади.

3.3. “Бажарувчи” ишни тамомлаганидан сўнг “Буюртмачи”га бажарилган иш (босқич)ларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини техник топшириқномада кўзда тутилган ҳужжатлар мажмуаси билан биргаликда тақдим қилади.

3.4 “Бажарувчи” “Буюртмачи”га лойиха қидирув ишлари бажарилгандан сўнг бажарилганлик иш сметасини тақдим қилади, “Буюртмачи “Бажарувчи”га ушбу сметага асосан ҳақ тўлайди.

3.5. “Буюртмачи” ушбу далолатномани 3.3.- бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларни ва ишни қабул қилиб олиш (юк хати) ҳужжатларини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қилмаслик сабабини асословчи ёзма изоҳни юборади.

3.6. “Буюртмачи” ишни қабул қилишини асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатларини кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.7. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бир-бирини 5 (беш) кунлик муддат ичида хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 1 кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурдирлар.

3.8. Бажарилаётган иш асосли равишда тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда бажарилган қисм учун “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”га ҳақ тўланади.

3.9. Ушбу шартнома 2022 йил 20 Октябр дан 2022 йил 31 мартгача ҳақиқий ҳисобланади.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, Жиноят кодексида, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 1.3. – бандидаги аванс тўлови кечикиб ўтказилганда, ишни тамомлаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар аниқланган тақдирда “Бажарувчи” камчиликларни ўз ҳисобидан 1 ой муддатда бартараф этишга мажбур.

V. Низоларни ҳал этиш тартиби.

5.1. Шартнома бўйича келиб чиққан барча низолар ўзаро келишув йўли билан, унинг имкони бўлмаганда Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари шартноманинг мажбуриятларини бажариш муддатига таъсир қилганда, муддат юзага келган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

VII. Қўшимча шартлар.

7.1. “Бажарувчи” бажариладиган ишларни қийматининг ошиши мумкинлиги тўғрисида “Буюртмачи”ни ўз вақтида (ёзма) хабардор қилишга ва “Буюртмачи”нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Агар “Буюртмачи” “Бажарувчи” тақдим этган нарҳда ишни давом эттиришни “мақсадга мувофиқ эмас” - деб топса, у ҳолда у “Бажарувчи”нинг кўрган зарарларини тўлайди.

7.2. Шартнома шартларига тарафларнинг розилиги билан келишув битими орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.3. Бир тараф ўз мажбуриятини иккинчи тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳақли эмас.

7.4. “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан олдиндан келишган ҳолда ишни бажариш учун ўзи танлаган шахсни жалб этиш ҳуқуқига эга.

VIII. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари.

“Бажарувчи”: “Ўздаверлойиха” институти

Манзили: 100097. Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, “Ц” мавзеси.

Ҳисоб рақами: 20210000900112393001, ЧЗАКБ “DAVR-BANK”, Чилонзор филиали

МФО 01046, СТИР 200795153, ОКЭД 71110.

“Буюртмачи”: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,

Манзили: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй Тел.260-47-94.

л/с: 1000 1086 0272 4870 4992 0082 001, СТИР 305 636 074, ОКЭД 84111,

Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб маркази

ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010, МФО 00014, СТИР 201122919.

Мазкур шартномага: техник топширик, ишни бажариш календар режаси, лойиха-қидирув ишлар сметаси ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома илова қилинади.

БАЖАРУВЧИ:

Р.А.Тўраев

м.ў.

БУЮРТМАЧИ

М.И.Рузметов

м.ў.



ЮРИСТ ХУЛОСА

Тошкент шаҳар

2022 йил 20 Январ

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан “Бажарувчи” “Ўздаверлойиха” институти ўртасида тузилаётган 2022 йил 20 Январ даги Ўзбекистон Республикаси туман (шаҳар)ларидаги ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш учун тайёргарлик ишларини бажаришга номли 2022-1-сонли шартномаси лойиҳаси юзасидан “Ўздаверлойиха” институти Бош юрисконсулт лавозимида ишлаб келаётган А.Маманазаров қуйидаги ҳуқуқий хулосани бераман.

Ушбу “Ўздаверлойиха” институти томонидан ҳуқуқий экспертиза учун тақдим қилинаётган ушбу шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1154 фармони талаблари доирасида ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, мазкур шартнома лойиҳаси юқоридаги қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Юқоридагиларга кўра ушбу шартнома лойиҳасини имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Бош юрисконсулт



А.Маманазаров

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
ўринбосари



М.И. Рўзметов

2022 йил “20” январь

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И.Рўзметов ҳамда “Бажарувчи” “Ўздаверлойиҳа” институти Бош директори Р.А.Тўраевлар ўртасида тузилаётган 2022 йил “20” январдаги 2022-1-сон “Ўзбекистон Республикаси туман (шаҳар)ларида қишлоқ хўжалиги еридан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ишларига” номли шартнома лойиҳасига

ЭКСПЕРТ ХУЛОСА

Биз, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни билдирамиз:

1. Ушбу 01.10.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси «Давархитекқурилиш» қўмитаси билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган «Ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисида Низом» талаблари ҳамда 02.01.2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган «Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги учун лойиҳа-қидирув ишлари учун вақт меъёрлари тўплами» асосида тузилган.

2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати **5 809 818 737 (беш миллиард саккиз юз тўққиз миллион саккиз юз ўн саккиз минг етти юз ўттиз етти) сўмни** ташкил этиб, бажариладиган ишлар сарф-харажатлар сметаси юқоридаги меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисобланган.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушбу шартномани имзолаш ва тўловларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
эксперт гуруҳи аъзолари:

1. А.Жўраев

2. О.Соатов

3. У.Ниязметов

“20” январь 2022 й.

2022 йил 20 Январ даги
2022-1-сонли шартномага 1 илова

Келишилган шартномавий нархлар тўғрисидаги

Баённома

2022 йил 20 Январ

Бизлар, қуйидаги имзо қилувчилар “Буюртмачи” номидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И. Рўзметов ва “Бажарувчи” номидан “Ўздаверлойиҳа” институти Бош директори Р.А.Тўраевлар томонидан 2022 йил 20 Январ даги 2022-1-сонли шартноманинг келишилган нархи 5 809 818 737 (беш миллиард саккиз юз қирқ бир миллион олти юз йигирма икки минг олтиш олти) сўмни ташкил қилишини ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС): йўқлигини ҳақиқатдан тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан “ҳисоб - китоб қилиш учун асос” - деб ҳисобланади.



“Бажарувчи”


Р.А.Тўраев

М.ў.



“Буюртмачи”


М.И.Рўзметов

М.ў.

2022 йил 20 Январь даги
2022-1-сонли шартномага 2 илова

Келишилди:
“Ўздаверлойиха” институти
Бош директори
Р.А.Тўраев
2022 йил 20 Январь



Тасдиқлайман:
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
ўринбосари
М.И.Рузметов
2022 йил 20 Январь



**Ўзбекистон Республикаси туман (шаҳар)ларидаги ердан фойдаланувчиларининг
қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш учун тайёргарлик
ишларини бажаришга
ТЕХНИК – ТОПШИРИҚ**

1. Иш бажариш учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги 6061-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ 5006-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарорлари.

2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

3. Ишни бажарувчи ташкилот: “Ўздаверлойиха” институти.

4. Ушбу ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасидаги ердан фойдаланувчилар учун 2023 йилда ер солиқ ставкасини белгилаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда ердан фойдаланувчиларнинг ерларини норматив қийматини аниқлаш учун тайёргарлик ишлари бажарилади.

5. Ишга бўлган асосий талаблар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ” ва бошқа мавжуд бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

6. Муддати: Тасдиқланган календар-режа асосида.

7. Иш натижаларини тақдим қилиш шакли: Тайёргарлик ишларини якуний натижалари умумлаштирилиб, кейинги босқичда бажариладиган ишларда фойдаланиш мақсадида “Ўздаверлойиха” институтининг ҳудудий бўлинмалари архивида сақланади.

Келишилди:
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Бош бошқармаси бошлиғи

А.Жураев



2022 йил 20 Январ даги
2022-1-сонли шартномага 3 илова

Келишилди:
“Ўздаверлойиха” институти
Бош директори

Р.А.Тўраев
2022 йил 20 Январ

Тасдиқлайман:
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг
ўринбосари

М.И.Рузметов
2022 йил 20 Январ

**Ўзбекистон Республикаси туман (шаҳар)ларидаги ердан фойдаланувчиларнинг
қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш учун тайёргарлик
ишларини бажаришга**

ИШЛАР ДАСТУРИ

1. Иш бажариш учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги 6061-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ 5006-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарорлари.

2. Ишни бажарувчи ташкилот: “Ўздаверлойиха” институти

3. Ушбу ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун 2023 йилда ер солиқ ставкасини белгилаш ва конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш учун тайёргарлик ишлари бажарилади.

4. Тадқиқот предмети ва методлари: Давлат солиқ кумитаси ҳузиридаги Кадастри агентлигининг туман бўлимлари томонидан тақдим қилинган ердан фойдаланувчиларининг рўйхати, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар, тупроқ сифатини баҳолаш хариталари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан сув билан таъминланганлиги ҳамда вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари томонидан кимёвий моддаларни қўллаш тақиқланган муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари жойлаштирилган ҳудудлар бўйича олинган маълумотлар таҳлил қилинади.

5. Амалий аҳамияти: Ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлашда фойдаланилади.

6. Асосий иш турлари ва уларнинг бажарилиши босқичлари: 2023 йилда ер солиғини миқдорини белгилаш мақсадида ҳар бир Ердан фойдаланувчининг қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қиймати аниқлаш учун тайёргарлик ишлари бажарилади :

т/р	Иш турлари	Иш бажарилишининг муддатлари, бошланиши ва тугатилиши (йил, ой)
	I. Тайёргарлик ишлари	

1	1:10 000 масштабдаги қишлоқ хўжалиги хариталарига маълумотларни тушириш, ердан фойдаланувчиларнинг мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш.	2022 йил январь
2	Ердан фойдаланувчиларининг ҳамда норматив қийматни аниқлаш объектларининг рўйхатини ва жойлашишини 1:10 000 масштабдаги қишлоқ хўжалиги хариталарига тушириш.	2022 йил февраль
3	Норматив қиймати аниқланадиган объектлар бўйича тупроқ сифатини аниқлаш харитасидан фойдаланиб тупроқ айирималарини, кимёвий моддаларни қўллаш тақиқланган муҳофаза минтақаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари жойлаштирилган ҳудудларни қишлоқ хўжалиги харитасига тушириш.	2022 йил март
4	Суғоришнинг ички тизимида суғориш учун сув бериш усули кўрсаткичини аниқлаш.	2022 йил март
5	Тайёргарлик ишларини якуний натижалари умумлаштирилиб, кейинги босқичда бажариладиган ишларда фойдаланиш мақсадида “Ўздаверлойиха” институтининг ҳудудий бўлинмалари архивида сақланади.	2022 йил март

7. Кутиладиган натижалар: 2023 йилда ер солиқ ставкасини белгилаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда ердан фойдаланувчиларни қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматни аниқлашда фойдаланилади.

8. Жорий этиш: Ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш ишлари тўлиқ бажарилгандан сўнг натижалари амалиётда ер солиғи ставкаларини белгилаш ва тўловларини амалга оширишда ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда қўлланилади.

Киритилди:

“Ўздаверлойиха” институти
Бош муҳандис

 **О. Давронов**

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Бош бошқармаси бошлиғи

 **А. Жураев**

2022 йил 20 Январ даги
2022-1-сонли шартномага 4 илова

2022 йил 20 Январ ги 2022-1-сонли шартномага мувофик

Календарь режаси

Т/р.	Ишларнинг (босқичларнинг) номи	Ишларнинг бажариш Муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи сўм	
		бошланиши	яқунланиши	жами	шу жумладан жорий йилда ёки чоракларда
1	Ўзбекистон Республикаси туман (шаҳар)ларидаги ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш учун тайёргарлик ишларини бажаришга	2022 йил <u>20 Январ</u>	2022 йил 31 март	5 809 818 737	5 809 818 737

БАЖАРУВЧИ:



Р.А. Тўраев

Б У Ю Р Т М А Ч И:



М.И. Рузметов

СМЕТА (йиғма)

Босқичлар номи, лойиха - кидирув ишларининг турлари: Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш ишларини бажариш

Лойиха-кидирув ишларини бажарувчи ташкилотнинг номи : "Ўздаверлойиха" институти
 Буюртмачи ташкилотнинг номи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

№/р	Бажариладиган ишларнинг рўйхати	Жами ердан фойдаланувчилар сони	Шундан тайёрларлик ишлари 1-босқичда	Шундан маълумотлар базасини тайёрлаш 1-босқичда	Массивлар сони	Жами қиймати, минг сўмда
1	2	3	4	5	6	6
	<i>Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш ишларини бажариш</i>					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	6 771	3 971	3 971	165	319 227,890
2	Андижон вилояти	9 430	9 430		204	445 920,308
3	Бухоро вилояти	6 447	6 447	5 200	176	476 982,192
4	Жиззах вилояти	9 416	9 416	1 000	166	476 283,146
5	Кашқадарё вилояти	15 636	12 900		223	610 005,073
6	Навоний вилояти	3 513	3 513	3 513	93	282 395,296
7	Наманган вилояти	7 692	7 692	3 492	146	479 303,352
8	Самарқанд вилояти	13 004	10 814		260	511 343,212
9	Сурхандарё вилояти	7 392	7 392	3 492	165	465 129,463
10	Сирдарё вилояти	5 013	5 013	5 013	110	402 984,906
11	Тошкент вилояти	9 839	9 839		250	465 253,685
12	Фарғона вилояти	9 975	9 975	4 800	176	620 641,778
13	Хоразм вилояти	5 164	3 164	3 164	135	254 348,436
	Ишларни умумий нархи:	109 292	99 566	33 645	2 269	5 809 818,737

Беш миллиард саккиз юз тўққиз миллион саккиз юз ўн саккиз минг етти юз ўттиз етти сўм



“Ўздаверлойиха” институти
 Бош директори
 м.ў.

Бош муҳандис

Бўлим бошлиғи

Р.А.Тураев

О.Ў.Давронов

А.А.Нуркулов